

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үч.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВА МАДИНАБОНУ АБДУМАЛИКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ
МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (DoctorofPhilosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Якубова Мадинабону Абдумаликовна Ўзбекистон Республикасида инвестиция низоларини муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш.....	3
Якубова Мадинабону Абдумаликовна Совершенствование альтернативных механизмов урегулирования инвестиционных споров в Республики Узбекистан	23
Yakubova Madinabonu Abdumalikovna Improvement of the Alternative Methods of Investment Disputes Resolution in the Republic of Uzbekistan.....	44
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2020.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВА МАДИНАБОНУ АБДУМАЛИКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ
МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Үи662 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Караходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар доктори, профессор

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «9» апрель соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темура кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» март куни тарқатилди.
(2022 йил «24» мартдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

Н.Ф. Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инвестиция муносабатларининг ривожланиши ва кўплаб тизимлаштирилмаган миллий қонунларнинг мавжудлиги сабабли инвесторлар ва қабул қилувчи мамлакатлар ўртасида айрим низолар юзага келмоқда. UNCTAD маълумотларига кўра, 2020 йилда давлатлар ва инвесторлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш бўйича 124 та давлат жавобгар сифатида иштирок этган жами 1104 та иш рўйхатга олинган. Шу билан бирга, қабул қилинган арбитраж қарорларининг ярмидан кўпи инвесторларнинг талабларини қондиришдан бош тортишга қаратилган¹. Шу сабабли, инвестиция низоларини ҳал қилишнинг таъсирчан муқобил механизмларини яратиш зарурати мавжуд.

Инвестиция низоларини ҳал қилиш масалалари бўйича дунёда бундай низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларига, хусусан, тадқиқот йўналиши сифатида илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган музокаралар ўтказиш, воситачилик, арбитраж, мини-суд, хусусий судьялар (Rent-a-Judge), маъмурий орган воситачилигида, олдини олиш методларидан кенг фойдаланиш орқали инвестиция низоларини тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига, шунингдек давлатлардаги идоралараро оғоҳлантириш механизмларини яратиш, рақамли технологияларни кенг қўллаш орқали низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан инвестиция низоларини расмий инвестиция низоларига айланишини олдин олдини олишга эътибор қаратилмоқда.

Республикамизнинг келгуси беш йилдаги дастурий ҳужжати сифатида қабул қилинган **Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси**да мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд долл., жумладан 70 млрд долл. хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш **мақсади** ҳам қўйилган². Шу мақсадда қулай инвестиция муҳитини яратиш, инвестиция низоларини тинч йўл билан ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада уларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш, миллий ва чет эл медиаторини низоларни ҳал қилишга жалб қилиш чоралари кўрилмоқда, низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг барча имкониятдаги вариантларидан фойдаланиб бўлинганидан кейингина миллий судга ва халқаро арбитражга шикоят қилиш учун рухсат берилиши, бу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), Иқтисодий процессуал кодекси (2018), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012),

¹ https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_overview_ru.pdf.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/pdfs/5841063>

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги (2019), «Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5643-сон (2019), «Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6042-сон (2020) фармонлари, «Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4937-сон (2020), «Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5233-сон (2021) қарорлари ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунга қадар инвестиция низоларини ҳал қилиш масалалари мамлакатимиз ҳуқуқшунослари томонидан алоҳида илмий мақолалар, тезислар, монографияларнинг қисмлари шаклида ўрганилган. Масалан, О.Оқюлов¹, Н.Ф.Имомов, Ш.Н.Рўзиназаров, Б.Б.Самарходжаев, С.С.Гулямов², И.Р.Рустамбеков³, Ф.Зайнобиддинова⁴ ўз илмий ишларида Ўзбекистон Республикасида инвестиция ҳуқуқининг умумий-назарий муаммоларини тадқиқ этганлар. Алоҳида таъкидлаш лозимки, И.Р.Рустамбековнинг⁵ илмий ишлари инвестиция муҳитини такомиллаштириш ва инвестиция низоларини халқаро арбитражда ҳал қилиш масаларига бағишланган. БМТТД доирасида

¹ Оқюлов О., Имомов Н., Рўзиназаров Ш., Самарходжаев Б., Рустамбеков И., Мехмонов Қ., Мусаев Э., Сайдахмедов У., Тожибоев А., Ибрагимова А., Жумагулов А. Инвестиция ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – 300 б.

² Гулямов С. Экономико-правовые проблемы привлечения иностранных инвестиций (на примере Узбекистана и стран ЮВА). Монография. – Т.: ТГЮИ, 2006. – 226 с.

³ Рустамбеков И. Некоторые практические аспекты разрешения инвестиционных споров в международном арбитраже (на примере Узбекистана). Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения. 2018. С.54-58; Islambek Rustambekov and Abduaziz Isakulov. (2019); Business Environment and Investment Climate in the Republic of Uzbekistan. Int. J. of Adv. Res. 7 (Apr). 1282-1285.

⁴ Зайнобиддинова Ф. Инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: юрид. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2021. – 47 б.

⁵ Рустамбеков И.Р. Некоторые практические аспекты разрешения инвестиционных споров в международном арбитраже (на примере Узбекистана). Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения. 2018. – С. 54-58.

инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар У.Таджиев, А.Клименко, Б.Маҳмудов томонидан олиб борилган¹.

Яқин хорижий мамлакатларда инвестиция низоларини ҳал қилиш масалалари М.М.Богуславский, С.Крупко, Э.В.Попова, Н.Г.Доронина, А.А.Данелян, В.И.Кузиной, М.А.Романенко, Л.В.Кудрявцева, М.Ю.Тулаева, Н.Н.Вознесенска, А.Г.Богатырева, И.З.Фархутдинова, В.А.Трапезникова, И.Н.Лебединец, С.С.Бровкина, М.Н.Бродскийларнинг илмий ишларида ёритилган².

Noviello D., Bentkowska Magdalena, Wissler R., Gabrielle Kaufmann-Kohler, Jack J. Coe, Michael E. Schneider, Rutledge P., Drahozal C., Hinshaw A., Alberts J., Anna Joubin-Bret, Dupont Pier-Luc, Kirk Eleanor, Mcdermont Morag, Anderson Bridget, Jacob Bercovitch, Jeswald W. Salacuse, Edward Brunet, Charles B. Craver, Ellen E. Deason, Abramson H., Thomas Stipanowich, J.Ryan Lamare, Deason, E., Aragaki, H., Belton I., Thomson M., Dhami M., Craver C., Blake S., Browne J., Sime S., Coben, J. каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида инвестиция низоларини ҳал қилишнинг махсус масалалари, шу жумладан муқобил усуллари ҳам ўрганилган³.

Юқорида назарда тутилган юртимиз олимларнинг тадқиқотлари инвестиция муносабатлари умумий ҳуқуқий тартибга солиш, миллий судлар ва халқаро арбитражларда инвестиция низоларини кўриб чиқишга бағишланган бўлса-да, лекин воситачилик, музокаралар, профилактика чора-тадбирлари, шунингдек сунъий интеллектдан фойдаланиш ва онлайн низоларни ҳал каби инвестиция низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларида фойдаланиш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш ва унинг таваккалчиликларини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича назарий-услубий асосларни такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида инвестиция низоларини муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инвестиция низоси, низоларни муқобил ҳал қилиш тушунчаларини комплекс ўрганиш ва таҳлил қилиш;

инвестиция низоларини ҳал этишнинг муқобил усуллари муаммолари бўйича маҳаллий ҳамда хорижий илмий ва ҳуқуқий манбаларни тадқиқ этиш;

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

интернет тармоғи орқали инвестиция низоларини ҳал қилишда сунъий интеллектни қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш;

инвестиция низоларини ҳал қилишнинг муқобил усулларини қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш;

инвестиция низоларини ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида олдини олиш усулини ўрганиш;

инвестиция низоларини ҳал қилишга оид Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш;

инвестиция низоларини ҳал этиш ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни комплекс тадқиқ қилиш;

инвестиция низоларини ҳал этиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳамда инвестициявий низоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикасида инвестиция низоларини муқобил ҳал этиш соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар тажрибаси, шунингдек, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, инвестиция низоларини муқобил ҳал этиш соҳасидаги илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида тизимли, диалектик, расмий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий, расмий-мантикӣ (таҳлил, синтез, чегирма ва индуксия) усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестиция низосини ҳал этишнинг зарурий босқичлари сифатида музокаралар ўтказиш, келишувга эришилмаган ҳолда медиацияга мурожаат қилиш, муқобил усуллар натижа бермаган ҳолда давлат судига мурожаат қилиш ва якуний босқич халқаро арбитражда низони ҳал этиш эканлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти инвестиция фаолияти соҳасидаги низоларни ҳал этишга қўмаклашувчи, инвестор ва давлат ўртасида боғловчи сифатида намоён бўлиши асослантирилган;

инвестиция низолари тарафлари халқаро арбитраж судларига фақат низони ҳал этишнинг барча муқобил усуллари ва миллий судга мурожаат қилганидан кейин мурожаат қилишлари мумкинлиги, бундай мурожаат учун Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилиги талаб этилиши асослантирилган;

жисмоний ва юридик шахслар ва давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал этиш бўйича Апелляция кенгашлари жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан инвесторлар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган низоларни судгача қўриб чиқиш ва ҳал этиш, низолар тўғрисида ўз

вақтида хабардор қилиш функциясини бажарувчи махсус майдон сифатида фаолият юритиши зарурлиги асослантирилган;

инвестиция соҳасидаги қонунчиликнинг барқарорлигини таъминлаш, сиёсий хавфлар ва қонунчилик ўзгариши хавфини кафолатлаш, идоралараро хабардорлик ҳамда ҳукуматлараро муҳокама майдонини яратиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инвестиция низоларини ҳал этишнинг асосий тизимлари асосланган:

1) суд орқали, 2) инвестиция низоларини ҳал этишга қаратилган судгача, 3) инвестиция низоларини олдини олишга қаратилган суддан ташқари;

ярашув ва воситачилик институти қуйидаги хусусиятларига кўра фарқ қилиши асосланган: ярашув институтида ҳокимият элементи қатнашади, воситачилик институтида эса – ҳар доим ҳам ҳокимият элементи қатнашмайди, ярашув институти давлат органига мурожаат қилгандан кейин бошланади, воситачилик институтида эса – давлат органига мурожаат қилишдан олдин бошланади, ярашув институти ахборот махфийлигини кафолат бერмайди, воситачилик институтида эса махфийлик – мажбурий шарт;

миллий қонунчиликни такомиллаштириш орқали инвестициявий низоларни олдини олиш сифатида профилактика чораларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

сунъий интеллектни (масалан, АрБот ёки робот Медиатор) кенг қўллаш ва низоларни онлайн ҳал қилиш (НОҲ) орқали низоларни муқобил ҳал қилиш (НМҲ) соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги асосланган;

инвестицияга оид низоларини ҳал қилишда сунъий интеллект ва ахборот технологияларини қўллашга доир қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

қонун ҳужжатларига инвесторлар учун қўшимча кафолатлар сифатида сиёсий хатарлар ва инвестор учун қонунчиликнинг ноқулай ўзгаришига қарши кафолатланган компенсация тақдим этиш тўғрисидаги таклиф ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бундан ташқари ўтказилган ижтимоий сўровномалар бўйича статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, олинган натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илмий-назарий таҳлил асосида олинган натижалардан мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, қонунчилик ҳужжатларини

талқин қилишда, инвестиция низоларини ҳал этиш ва қонунларга шарҳлар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, олий юридик таълим муассасаларида инвестиция ҳуқуқи соҳасидаги фанларни ўқитишда фойдаланиш имкониятидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларига кўра инвестиция низоларини муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган ва жорий этилган:

инвестиция низони ҳал этишнинг зарурий босқичлари сифатида музокаралар ўтказиш, келишувга эришилмаган ҳолда медиацияга мурожаат қилиш, муқобил усуллар натижа бермаган ҳолда давлат судига мурожаат қилиш ва яқуний босқич халқаро арбитражда низони ҳал этиш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сон Қонунининг 63-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 30 сентябрдаги 28-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши инвестиция низоларини ҳал этишнинг муқобил усулларини кенг қўллаш имконини бериши билан бирга Ўзбекистон Республикаси миллий судларига мурожаат қилиш қондасини фақат ушбу муқобил усуллар амалга оширилгандан сўнг қўлланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил инвестиция фаолияти соҳасидаги низоларни ҳал этишга кўмаклашувчи, инвестор ва давлат ўртасида боғловчи институт сифатида намоён бўлиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сон Қонунининг 33-моддаси биринчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 30 сентябрдаги 28-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган ва Ўзбекистон Республикасида инвестиция низоларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатадиган маъмурий орган ташкил этиш имконини берган;

инвестиция низолари тарафлари халқаро арбитраж судларига фақат низони ҳал этишнинг барча муқобил усуллари ва миллий судга мурожаат қилганидан кейин мурожаат қилишлари мумкинлиги, бундай мурожаат учун Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилиги талаб этилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти

тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сон Қонунининг 63-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 30 сентябрдаги 28-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши Халқаро арбитражга мурожаатлар сонини камайтириш, маблағларни тежаш имконини берган, тарафлар ўртасидаги инвестиция низолари муқобил методлар билан келишилмаганда халқаро арбитражга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминланган, шунингдек Ўзбекистон Республикасида инвестициявий низолар юзага келган тақдирда халқаро арбитражга мурожаат этиш шартларини аниқ белгилаб берган;

жисмоний ва юридик шахслар ва давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал этиш бўйича Апелляция кенгашлари жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан инвесторлар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва ҳал этиш, низолар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш функциясини бажарувчи махсус майдон сифатида фаолият юритиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4754-сон Қарори иловаси сифатида тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши тўғрисидаги Низомнинг 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 27 декабрдаги 21/12-61-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши янги ташкил этилган апелляция кенгашининг низоларни судгача ҳал этиш бўйича муқобил орган сифатида асосий вазифаларини белгилаш имконини берган;

инвестиция соҳасидаги қонунчиликнинг барқарорлигини таъминлаш, сиёсий хавфлар ва қонунчилик ўзгариши хавфини кафолатлаш, идоралараро хабардорлик ҳамда ҳуқуматлараро муҳокама майдонини яратиш заруратига оид таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция ва бошқарув компаниялари фаолияти тўғрисидаги низомнинг 24-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 13 декабрдаги далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши инвестиция муҳитининг барқарорлигига хизмат қилувчи инвестиция низоларини ҳал этишнинг янги механизмларини жорий этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан 9 та илмий мақола (3 та хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Инвестиция низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари шакллантиришнинг концептуал асослари»** деб номланган биринчи бобида инвестиция низоси тушунчасининг назарий ва норматив-ҳуқуқий таърифи, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари институтининг тарихий шаклланиши, низоларни онлайн ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва низоларни ҳал қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинади.

Диссертант биринчи боб доирасида инвестиция низолари тушунчасининг тадқиқ қилишни мақсад қилиб қўяди ва шу асосда жаҳон амалиётида юрист олимларининг мавжуд доктринал позицияларини, шунингдек шу кунгача қабул қилинган халқаро ҳужжатларни таҳлил қилади. «Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармоёга доир низоларни тартибга солиш тўғрисида»ги Конвенция, 1985 йил қабул қилинган «Кўп томонлама сармоё ажратишни кафолатловчи агентлигини таъсис этиш тўғрисида»ги Конвенция, Энергетика хартиясига доир шартнома қоидалари, шунингдек бир қатор хорижий олимлар (М.М.Богуславский, А.А.Данелян, И.З.Фархутдинов, Д.Г.Эседов, С.Крупко, Э.В.Попов, Д.Карро, П.Жюяр)нинг фикрларини таҳлил қилиб, «инвестиция низоси» тушунчасининг муаллифлик таърифини таклиф этади.

Тадқиқотчи халқаро шартномалар ва миллий қонунчилик матнларида инвестиция низоси тушунчасининг ягона/бирлашган таърифини аниқлаш имконияти мавжуд эмаслигини ва тадқиқотчилар томонидан тақдим этилган таърифлардан, шунингдек назарияда мустаҳкамланган формуладан келиб чиққан ҳолда, кенг маънода «инвестиция низолари» – бу инвестициялар билан боғлиқ ҳар қандай низолар, деган хулосага келади.

Шундай қилиб, муаллиф фикрига кўра, инвестиция низолари – бу давлат ва хорижий инвесторлар ўртасидаги инвестор томонидан мезбон давлатга сармоё киритиш билан боғлиқ ҳуқуқий низолар ҳисобланади. Яъни инвестиция низолари мезбон давлат ва хорижий инвесторнинг инвестиция лойихаси бўйича ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган алоҳида турдаги низолардир. Чет эл элементи иштироки ва томонларнинг тенгсизлиги (бир томон жамият манфаати учун ҳаракат қилувчи суверен давлат бўлганда)

сабабли, бундай низоларни ҳал қилиш кўриб чиқиш учун алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Иккинчи параграфда бугунги кунда халқаро инвестиция низоларини ҳал этишда томонлар суддан ташқари усулларни қўллашга мурожаат қила бошлаганлари таъкидланган. Агар илгари инвестиция низолари қабул қилувчи давлатнинг миллий судларида ёки халқаро инвестиция арбитражга мурожаат қилиш йўли билан ҳал қилинган бўлса, бугунги кунда томонлар муқобил низоларни ҳал қилиш усулларини, яъни музокаралар, воситачиликни қўллашни афзал кўришади. Бунинг сабаби шундаки, агар низо юзага келса, томонлар ҳали ҳам ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор бўлади. Шу билан бирга, қабул қилувчи давлат халқаро бозорда қулай инвестиция муҳити бўлган мамлакат сифатида ўз мақомини сақлаб қолишдан манфаатдордир.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари пайдо бўлишининг тарихий жиҳатларини таҳлил қилиб, диссертант милодий VI аср бошларида Юстиниан даврида низоларни ҳал қилишнинг мазкур усуллари қўлланилганлиги ҳақида хулосага келади. Римликлар воситачиларни турли номлар, жумладан, интернунций, медиум, филантроп, интерполятор, суҳбатдош, интерпрес ва кейинчалик воситачи/медиатор деб аташган. Англо-саксон тизимида ушбу институтнинг пайдо бўлиши милодий 601 йилга тўғри келади ва улар ўзларига қулай бўлган ҳакамлик судлари, воситачилик ҳамда музокаралар ўтказиш каби низоларни ҳал қилишнинг замонавий суд қарорларига ўхшаш бир неча тартиб-қоидаларини қўллашган.

Муаллифнинг фикрига кўра, бугунги дунёда ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг турли механизмлари бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш учун ишлатилиши мумкин: мамлакатнинг конституциявий мажбуриятлари асосида давлат томонидан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари, шу жумладан суд ва суддан ташқари ҳимоя қилиш ёки конституциявий инсон ҳуқуқларига асосланган муқобил ҳимоя усуллари ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули. Муқобил (нодавлат) ҳимоя усуллари томонларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш усулини мустақил равишда аниқлаш имконини беради. Жисмоний шахс нафақат тараф сифатида фаолият юритибгина қолмай, балки низони ҳал қилиш жараёнида масъул шахс ва ташкилот вакили сифатида иштирок этади ва ҳатто низоларни ҳал қилиш бўйича мамлакат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муқобил усулини аниқлайдиган тартиб-қоидалар доирасида тузилган қарорлар ёки битимларни амалга оширади.

Тадқиқотчи низоларни муқобил ҳал қилиш (НМХ)ни мамлакат ва маданиятга қараб фарқлайди. НМХ тарихий жиҳатдан шартли равишда икки турга бўлинади: биринчиси – расмий суд механизмларидан ташқарида низоларни ҳал қилиш усуллари; иккинчиси – расмий суд механизмлари билан боғлиқ норасмий усуллар. Бундан ташқари, ташкилотларда воситачилик дастурлари ва омбудсман хизматлари каби автоном ва/ёки мустақил усуллар мавжуд. Усуллар мустақил қўлланилиши ёки аксинчалиги шунга ўхшаш воситалар ёки маҳорат воситаларидан фойдаланишга мойил бўлиб, улар асосан музокаралар ўтказиш кўникмаларининг бир қисмини ташкил этади.

Тадқиқотчи фикрига кўра, Covid-19 натижасида содир бўлган пандемия низоларни ҳал қилишнинг анъанавий ва муқобил қоидаларни ўзгартирди ва низоларни онлайн ҳал қилиш институтини ривожлантирди. Ваҳоланки, пандемиядан олдин инсоният томонлар ўртасидаги зиддиятли муносабатларни ўзаро ҳал қилишда мазкур методни билган ва қўллаган. Бундан ташқари, ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни ривожланиши низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда инсон омилини чеклашга ижобий таъсир кўрсатади, мазкур ҳолат эса ҳуқуқий фандан янги муносабатларни тартибга солишни талаб қилади.

Ахборот технологиялари ривожланишининг кейинги босқичига ўтилиши сунъий интеллектни қўллаш учун янги имкониятлар яратди, хусусан, оддий хусусий ҳуқуқий низоларни ҳал қила оладиган арбитраж-робот (АрБот) ва медиатор-робот яратилишига олиб келди. Бунда арбитраж-роботлар ва медиаторлар роботларининг онлайн хизматлари устуворликка эгаллиги махсус алгоритмлардан фойдаланган ҳолда ўрганилди ва улар мазкур йўналишда инсон вазифасини бажара олиши исботланди.

Диссертациянинг «**Инвестиция низоларни ҳал қилишда муқобил усулларни қўллашнинг характерли хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида инвестиция низоларини ҳал қилишнинг муқобил усуллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари, инвестиция низоларини ҳал қилиш учун муқобил усулларини қўллаш, шунингдек инвестиция низоларини ҳал қилишнинг муқобил йўли сифатида олдини олиш усули таҳлил қилинган.

Диссертант хорижий олимларнинг позицияларини таҳлил қилиш асосида (I. Szalai, Michael E. Schneider, R. Wissler, Gabrielle Kaufmann-Kohler, S. Ware, Jack J. Coe, P. Rutledge, C. Drahozal, A. Hinshaw, J. Alberts) жаҳон амалиётида инвестициявий низоларни ҳал этишнинг иккита асосий тизими шаклланди: суд ва суддан ташқари (муқобил). Суддан ташқари тизимни икки тоифага ажратиш мумкин: 1) давлат маъмурий органлари иштирокида; 2) уларнинг иштирокисиз (НМХ). Шу билан бир қаторда, инвестиция низоларини ҳал қилишнинг икки йўли мавжуд: 1) муқобил низоларни ҳал қилиш (НМХ) усуллари, музокаралар ёки тинчлик йўли билан мавжуд низоларни ҳал қилиш; 2) низоларни олдини олиш сиёсати (DPP), инвесторлар ва давлатлар ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш ва уларни расмий инвестицияга оид баҳсларга айлантириш. Охириги икки усул ҳар икки томоннинг розилиги ва ҳамкорлик заруратини бирлаштиради, юқори даражадаги мослашувчанликни талаб этади, уларнинг фарқлари қуйидагича: биринчиси – низоларни ҳал этишга қаратилади; иккинчиси – уларнинг олдини олиш йўналтирилади.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, диссертант ярашув институтини воситачилик (медиация) институтидан қуйидаги асосларларга кўра фарқлайди: 1) ярашув давлат органи (масалан, суд) иштирокида амалга оширилади, воситачиликда оммавий-ҳуқуқий иштирок мавжуд эмас; 2) ярашув жараёни томонлардан бирининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлат органига мурожаат қилганидан кейин бошланади, воситачилик эса – суд органларига мурожаат қилишдан олдин

амалга ошади; 3) яраштириш тартиби (давлат органига мурожаатдан кейин) учинчи шахслар учун мавжуд бўлган ахборотни сақлаб қолиш кафолатини бермайди, лекин воситачилик билан олинган ахборот махфийлигини сақлаш мажбуриятини таъминлаш мумкин.

Тадқиқотчи назарияда инвестиция низоларини ҳал қилишнинг замонавий тизимини суд ва суддан ташқари усуллар билан биргаликда шаклланганини таъкидлайди ва уларга қуйидагиларни киритади: музокаралар, воситачилик (медиация), арбитраж, суд (ёки маъмурий органнинг қарори). Ушбу тизим турли хил вариантларда ривожланган мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ, Сингапур, Корея Республикаси, Ҳиндистон, БАА) томонидан низоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун юқорида кўрсатилган кетма-кетликда қўлланилади.

Диссертант инвестиция низоларини ҳал қилишнинг новаторлик модели сифатида хизмат қилган, шу мақсадда дастлаб Бразилия, кейинчалик Ҳиндистонда ҳам қўлланган тажриба асосида ишлаб чиқилган Инвестиция бўйича ҳамкорлик ва ёрдамлашиш тўғрисидаги битим (CFIA)нинг асосий ютуқларини қўллашни таклиф этади. CFIA модели иккита ташкилотни (қўшма қўмита ва миллий координатор ёки Омбудсман) ташкил этишни назарда тутаяди ва уч босқичли (1. омбудсман томонидан низони ҳал қилиш; 2. қўшма қўмитага мурожаат қилиш, 3. низолар бўйича судга мурожаат қилиш) низоларни ҳал қилиш ва олдини олишни тизими механизмини яратишни назарда тутаяди. CFIA давлат арбитражи имконияти билан биргаликда низоларни самарали олдини олишга қаратилган. CFIA инвестор ва давлат ўртасидаги муносабатларни суд жараёни моделидан инвестор ва давлатлараро дипломатиянинг даъволарини ҳал қилиш учун институционал қўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлик моделига ўзгартиради. Бразилиянинг ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, муаллиф Ўзбекистон Республикасида инвестиция низоларини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг бундай механизмини ишлаб чиқишини таклиф этади.

Диссертант таъкидлашича, инвестиция муносабатларида юзага келадиган инвестиция низоларнинг ярмидан кўпи шаҳар ёки вилоят ҳукуматлари ёки иқтисодиётнинг муайян соҳаларига масъул давлат органлари томонидан қабул қилинган қарорлар билан боғлиқ. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун диссертант Малайзия ва Филиппиннинг шартнома бўйича музокараларнинг дастлабки босқичида ахборот алмашинувини таъминлаш бўйича тажрибасидан фойдаланишни таклиф қилади, бу эса музокаралар гуруҳида палата ёки Бош прокуратура вакиллари иштирок этишини таклиф қилади. Мазкур тартиб идоралар ва вазирликлар томонидан кейинги босқичда шартнома қоидаларини бузиши мумкин бўлган чоралар ёки ҳаракатлар хавфини сезиларли даражада камайтиради.

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятида инвестиция низоларини ҳал этишнинг муҳим ва муқобил усули сифатида олдини олишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Корея Республикаси, Буюк Британия, Хитой, Колумбия, Бразилия, Перу, Иордания, Босния ва Герцеговина, Тунис, Ливан, Исроил,

Миср каби мамлакатларда низоларнинг олдини олиш учун омбудсманни жалб қилиш кенг қўлланилади. Меъзон давлат томонидан низоларни олдини олиш ва тез ҳал этишга эришиш учун энг яхши йўл ахборот билан таъминлаш сиёсатини юритиш, шунингдек олдини олиш ва институционал ҳамкорлик ҳисобланади.

Тадқиқотнинг «**Ўзбекистонда инвестиция низоларини ҳал этишнинг муқобил усулларини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инвестиция низоларини ҳал этиш тизимини ривожлантириш тенденцияси, Ўзбекистонда инвестиция муҳитини ривожлантириш соҳасидаги ҳуқуқий ислохотлар, Ўзбекистон Республикасида инвестиция низоларини ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари, қонунчиликдаги коллизияларни бартараф этиш ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигига таъсир қилувчи бошқа омиллар таҳлил қилинади.

Диссертант мамлакатимиз қонунчилиги таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг инвестицияга оид қонунчилигида хорижий инвесторларга муайян турдаги сиёсий хавф-хатарлар, хусусан ҳарбий ҳаракатлар, тартибсизликлар ва террористик ҳаракатлар каби воқеалар билан боғлиқ зарарларни қоплаш бўйича кафолатларнинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосага келади. Шунинг учун диссертант Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳарбий ҳаракатлар, тартибсизликлар, террористик ҳаракатлар содир этилиши ва инвестиция фаолиятини янада амалга оширишга таъсир этиши мумкин бўлган бошқа сиёсий хавфларнинг юзага келиши ҳолатларида инвестиция капиталини қайтариш учун давлат томонидан компенсация тўлаш кафолатини назарда тутувчи норма билан тўлдиришни таклиф этади.

Диссертант И.Р.Рустамбековнинг позициясини қўллаб-қувватлаб, солиқ имтиёзларини хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситаси сифатида самарасиз деб ҳисоблайди, чунки инвесторлар умумий ҳолат ва атроф-муҳитнинг қулайлигини баҳолайдилар, имтиёзлар мавжудлигини эмас; солиқ имтиёзлари стандарт тизимдан кўра қимматроққа тушади, чунки инвесторлар кўплаб бюрократик тўсиқлардан ўтишлари керак; солиқ имтиёзлари унинг амал қилиш муддати тугагач, бизнесни узайтириш ва қайта расмийлаштириш муаммосини келтириб чиқаради; солиқ имтиёзлари давлат, давлат-хусусий инвестицияларни қўллаб-қувватлайдиган ҳамда институционализация қиладиган сиёсатни яратиш ўрнига солиқ имтиёзларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун кўп вақт талаб этади.

Жаҳон амалиётида мавжуд бўлган инвестиция низоларини ҳал қилишнинг муқобил усулларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотчи низоларни ҳал қилиш тартибини белгилаш орқали мамлакат инвестиция қонунчилигини такомиллаштиришни таклиф қиладди. Шундай қилиб, диссертант, биринчи навбатда, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун томонлар ўртасида музокаралардан фойдаланишни таклиф этади. Шу билан бирга, агар томонлар

ушбу низони ўзлари ҳал қила олмасалар, бу ҳолда воситачилик хизматларига мурожаат қилишлари керак. Томонлар юқорида кўрсатилган усуллар билан келишувга эриша олмасалар, инвестиция низоларини ҳал этишнинг учинчи босқичи сифатида Ўзбекистон Республикаси миллий судларига мурожаат қилиш таклиф этилади.

Шу билан бирга, айрим инвестиция низоларида хорижий элементнинг мавжудлиги инобатга олиб, низо тарафларига халқаро арбитражга мурожаат қилиш ҳуқуқини тақдим этиш зарурлиги бундай шартнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномада ёки инвестиция шартномасида назарда тутилганлиги билан белгиланади.

Ушбу тадқиқот ишининг иккинчи боби доирасида ўтказилган таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга инвестиция фаолияти соҳасида суддан ташқари ва судгача бўлган тартибда юзага келадиган масалаларни ҳал қилишда инвесторларга кўмаклашиш мажбуриятини юқлашни таклиф қилади.

Тадқиқотчи таъкидлашича, ривожланган давлатлар инвестиция шартларини ёмонлаштирадиган қонунчиликни қўлламасликнинг ўн йиллик муддати ўрнига компенсация тўловини амалга ошириш ва инвестиция тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши каби усулларидан фойдаланадилар. Бундай қоидалар ҳозирда «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунда қўлланган бўлса-да, инвестиция муносабатларининг давлат-хусусий шерикликда ҳам татбиқ этилишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунида инвестор учун қонун ҳужжатларининг ноқулай ўзгаришидан кафолатлар беришни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертант хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосий салбий таъсир этувчи омилларни санайди, жумладан: Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни талқин қилиш (шарҳлаш) муаммолари; қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلарни олиш тартибининг мураккаблиги; бир хил юридик кучга эга ҳуқуқий нормаларнинг бир-бири билан зиддияти; мамлакатлар ўртасида тузилган инвестиция битимларининг мавжудлиги; инвесторларнинг ўз инвестицияларини самарали назорат қилиш ва бошқариш учун иммиграция тўсиқлари, коррупция, бюрократия, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, ҳуқуқий тизимнинг сиёсий барқарорлиги / беқарорлиги ва мезбон мамлакатда демократик ривожланиш ҳолати.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон Республикасида инвестиция низоларини муқобил ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-назарий, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. Инвестиция низолари тушунчасига муаллифлик таърифи берилди, унга кўра инвестиция низолари – бу қабул қилувчи давлат ва хорижий инвесторнинг инвестиция фаолияти бўйича ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларнинг алоҳида тури.

